

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**667** **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги 227-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 14 июль,  
498-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 14 июлдаги 498-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралдаги 21-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 7-модда) билан тасдиқланган Ҳарбий академик лицей тўғрисида низомда:

- а) IV бобнинг номи чиқариб ташлансин;
- б) 15 — 17-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 июлдаги 200-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 7-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунара таълими тўғрисидаги низомнинг 9-бандида:

а) ўн биринчи хатбошига «ҳарбий академик лицейлар» сўзларидан кейин «ва олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш

бўйича қўшимча вазифалар юкланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг махсус гуруҳлари» сўзлари қўшилсин;

б) ўн иккинчи хатбошига «ҳарбий академик лицейларни» сўзларидан кейин «ва олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича қўшимча вазифалар юкланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг махсус гуруҳларини» сўзлари қўшилсин.